

Муҳаддас НУР

# ШЕЪРИМ, КУЙЛА!

*Шеърлар*



«ФАРҶОНА» нашриёти  
2007 йил

84(59)6-5

Муқаддас НУР (Арслонова)  
**ШЕЪРИМ, КУЙЛА!** *Шеърлар.*  
Сўзбоши муаллифи А.Азимов.  
«ФАРҶОНА» нашриёти – 2007 йил – 44 б.

20 <i>05</i>	Allsher Navoiy nomidagi O'zbekiston M:
A <sup>o</sup> 1099	

НО 33204  
0

©«ФАРҶОНА» нашриёти – 2007 йил.

## СУЗ БОШИ

Туманимизнинг энг кўзга кўринган шоирларидан бири бу – Муқаддасхон Арслоновдир. Унинг шеърларида ҳақиқат яширин. Ҳар бир мисраларида олам-олам маъно бор. Унинг шеърларини ўқиган киши халқчилиги, ҳаётийлигини англайди. Муқаддасхоннинг Муқаддас Нур деб тахаллус олганларидан беҳад қувондим. Ижодига ҳамиша баркамоллик тилайман.

Алижон Азимов,  
Дангара тумани ҳокими.

## МАСКАНИМСАН

Ота мерос ўтандир,  
Менга буюк маскандир,  
Номи улуғ Ватандир,  
Пастқамгина уй бўлса ҳам.

Фарзандларим кучаман,  
Суйиб кўнгил очаман,  
Туийиб-туийиб ичаман,  
Нимтатир чой бўлса ҳам.

Аввал элим қадрин билай,  
Қоқинганнинг бошин силай,  
Тер тўкиб меҳнат қилай,  
Йил ўн икки ой бўлса ҳам.

Қарамасман жилосига,  
Ўзга юрт мол-дунёсига,  
Алишмасман дарёсига,  
Шарқираган сой бўлса ҳам.

Оч қолсамда жим тураман,  
Юзимни терс ўтираман,  
Ўзга йўлга бош бураман,  
Бугдойи кўп бой бўлса ҳам.

Тўртга устун қапам яхши,  
Чордевори хўпам яхши,  
Менга ўтин-чўпам яхши,  
Бир кўримсиз жой бўлса ҳам.

Ўзлигим ўзим англай,  
Қаду бастимни ўнглай,  
Ўзбекча қўшиқ тинглай,  
Майли мунгли куй бўлса ҳам.

Бу йўллардан тойдирма,  
Қанотимни қайирма,  
Қишлоғимдан айирма,  
Кўчаси лой бўлса ҳам.

## КЕЛДИМ

Мен аслида дунёга Куръоним билан келдим,  
Қоғоз, қалам қўлимда илҳомим билан келдим.  
Ҳамду сано Аллоҳга дуруд айтгум эрта-кеч,  
Ҳақиқатни етаклаб, иймоним билан келдим.  
Оқ булутлари сузган, қучоғида ой кезган,  
Чақмоқ камалак чизган осмоним билан келдим.  
Ғаним чиқса йулимда, тинч қўймайман элимда,  
Эҳтиёт шарт қўлимда қалқоним билан келдим.  
Ватаним ҳақда қўшиқ битай деб тўлиб-тошиб,  
Барқ уриб дилдан жўшиб, туғеним билан келдим.  
Дўст сафидан қолмайин, ҳеч кимдан панд олмайин,  
Кимса ҳаққин емайин, пок ноним билан келдим.  
Кўксимни тоғ этмоқ учун, умримни чоғ этмоқ учун,  
Ватанни боғ этмоқ учун, кетмоним билан келдим.



## ҚЎЛИМ ЕТСА

Ўз халқимга дуруд салом, қулоқ тутса армонимга,  
Жаҳон ичра бир ўтинчим, аро кирса бу жонимга.  
Шеър ишқида ёнса юрак, қоғозда қолса не керак,  
Кимдир бўлмаса тиргақ, бу жиловсиз илҳомимга.  
Кўнги қолди барчадан, суғ боқаман дарчадан,  
Дардим айтиб чарчадим ўчоқ, ўтин, қумғонимга.  
Дўстдан манлик кўрмоқдаман, манзил етмай қийноқдаман,  
Ул назм ичра доғдаман, етмай йўли ровонимга.  
Ютсам дейман бу парвозда, Оллоҳим берган овозда,  
Қолиб кетса гэр қоғозда, сизмас жоним жаҳонимга.  
Белни боғлаб химмат қилсам, ўз қадримни қиммат қилсам,  
Жоним бериб хизмат қилсам, бу осуда замонимга.  
Халқ кўзида боқсам дейман, алу юртга ёқсам дейман,  
Юлдуз бўлиб чиқсам дейман, Зулфиядек осмонимга.  
Кўшки қимматбаҳо берса, олмасман зар қимҳоб берса,

Абдуллолар баҳо берса, шеър уюлган хирмонимга.  
Ойдин каби ойдек бўлиб, дарё излаб сойдек бўлиб,  
Халқ истаган куйдек бўлиб, қўшилсам ўз карвонимга.  
Ажаб тақдирга тан бердим, борми-йўқ ризкимни тердим,  
Халқим баҳо берсин дедим Муқаддас Нур бу номимга.



## ОНАЖОН

Ойнага қарашга қўлинг тегмади,  
Сочларинг тарашга қўлинг тегмади.  
Йўлингга термулган онажонингни,  
Ҳолини сўрашга қўлинг тегмади.

Фарзандим, уйим деб жонинг куйди-я,  
Бемор бўлдинг қайси боланг суйди-я,  
Шунда ҳам қилмадинг йиғлаб дийдиё,  
Улар деб яйрашга қўлинг тегмади.

Беланчак орқангда, қўлингда боланг,  
Қанорқоп елкангда, йўлингда боланг,  
Ич-бағринг тилкада, тилингда боланг,  
Рўмолинг ўрашга қўлинг тегмади.

«Ғиди-биди» сузга тилинг тишладинг,  
Гоҳида чидолмай юрак ушладинг,  
Уришмоқни ор деб ўзни муштладинг,  
«Ке қўй», - деб, курашга қўлинг тегмади.

Сахар кува пишиб, сутли нон ёпдинг,  
Этаглар оралаб кун бўйи чопдинг,  
Билмам, дам олишга қачон вақт топдинг,  
Тўйиброқ ухлашга қўлинг тегмади.

Қизларни узатиб тўйлар қиласан,  
Ўғилларга қатор уйлар қиласан,  
Меҳнатни ўн икки ойлаб қиласан,  
Ўзингни ўйлашга қўлинг тегмади.

Она ер мисоли беадад сокин,  
Кучоғида нозу неъматн тўкин,  
Қадоқ қўлларингдан тутайин секин,  
Бирор сўз, надомат қаддинг эгмади –  
Ҳаётдан нолишга қўлинг тегмади...




### ОНАСИНИ СУЙИНГ

Остонаси тиллога келгандан кейин,  
Бахтингиз очилиб кулгандан кейин,  
Бир йигит суйгани бўлгандан кейин,  
Онасини суйинг уғлидан олдин.

Бошидан ўргулинг оёғига,  
Деворин зар қилинг сувоғига,  
Нонини эъозланг увоғига,  
Онасини суйинг уғлидан олдин.

Аввали бошида чўри бўласиз,  
Сўнгра келинларнинг зўри бўласиз,  
Охирда уйбоши тўри бўласиз,  
Онасини суйинг уғлидан олдин.



### ИНДАМА

Юзингга дўст, изингдан ғийбат қилса,  
Баъзан ёрдам берганин миннат қилса,  
Айирай деб бахтингдан, тухмат қилса,  
Ўзи кейин уялади, индама.

Гап айттириб, чақмачақар демоқчи,  
Ўз фикри йўқ, кунгабоқар демоқчи,  
Қайнонангга «нечук ёқар» демоқчи,  
Ўзи кейин уялади, индама.

Ўз ишингдан қолма, худди чумоли,  
Бол ташийвер асалари мисоли,  
Бўлиб юрсанг ҳаё билан иболи,  
Ўзи кейин уялади, индама.

Ёмон десин, ёмонларга чалғима,  
Ёлғон десин, ёлғонларга чалғима,  
Йўл адашиб қолғонларга чалғима,  
Ўзи кейин уялади, индама.

Бунинг учун тер тўқасан, чопасан,  
Меҳнат билан ўз қадрингни топасан,  
Ёмонликни ҳам ютасан, ёпасан,  
Ўзи кейин уялади, индама.

Индасанг ичини айтиб олади,  
Сўнграким юзингга таъна солади,  
Жим турсанг алами ичда қолади,  
Ўзи кейин уялади, индама.

Индамадим шафқатсизга онажон,  
Ва суюндим фақат сизга онажон,  
Ўрним топдим, раҳмат сизга Онажон,  
Энди дейман фарзандимга: индама!..





## ОНАЛАРМИЗ

Келинларнинг бир ишин саккизлаган,  
«Ғадир-будир» сўзларин текислаган,  
Бўйи-басту, кам-қўстин тукислаган,  
Устамасу, сувоқчи оналармиз.

Ҳовлиларни супуриб, уй жиҳозлаб,  
«Қизим қилди», - дея лоф уриб сузлаб,  
Бу турмушнинг муштларини пардозлаб,  
Мусаввирмас, бўёқчи оналармиз.

Ғалвир бўлиб яхшисини элаган,  
Ёмонига шакар қўшиб беллаган,  
Рўзғорини калтасини улаган,  
Йиртиғига ямоқчи оналармиз.

Этасига поккина топширай деб,  
Юзи ойдин, оққина топширай деб,  
Ҳам оқилу, бокира топширай деб,  
Қиз қўриқлаб, қароқчи оналармиз.

Ёримизни қилган хатоси учун,  
Ўғилларни шодлиқ, нидоси учун,  
Қизларимиз кийган матоси учун,  
Савобчи ҳам, сўроқчи оналармиз,  
Ўз уйига чироқчи оналармиз.



## ИККИ ОНАЛАРИМГА

Кўз ёшдан зерикдим, йиғлаб гапирманг,  
Агар керак бўлса қанча берайин.  
Ўйилган қалбимни яна ўпирманг,  
Деманг, юрагингни очиб кўрайин.

Бир кам дунё эмас, кўп камни кўрдим,  
Ғам деса титрайди вужудим, танам,  
Лек фарзанд доғида куйганни кўрдим,  
Йиғлаган тахт олса оларди онам.

«Дастурхон бермайлик» у дунёларга,  
Фарзандни асрайлик ёруғ жаҳонда.  
Аллоҳим унутиб сунг риёларга,  
Кўзда ёш тўкмайлик йиғлаб армонда.

Ўзи бериб, ўзи олибди, майли,  
Тирноқ бермаганда не деб йиғлардик,  
Ҳар таъна эшитдик, фарзанд туфайли,  
Қабристонга бориб, кимни йўқлардик.

Икки йўл ораси – ҳаёт ва мамот,  
Дунёга келтириб, умр сўрайлик.  
Овутманг тақдир деб, сабрни ҳайҳот,  
Бошларга тушмасдан бурун кўрайлик.

Лоқайд эмас она, дуода бўлинг,  
Шунда сиздан қочар кулфат йироққа.  
Бизни ҳам йиғлатманг, давода бўлинг,  
Энди дам берайлик шўрлик қабокка.

Бас, етар, кетганлар қайтиб келмади,  
Кўз ёшдан поёндоз тўшаб кутдик биз.  
Қайсар капалаклар айтиб келмади,  
Йўлларга термулиб қариб кетдик биз.

Шоирликни қайдан ўргандинг деманг,  
Оналар дардидан девона бўлдим.  
Бунча кўп гапириб ўртандинг деманг,  
Дедиму, қаламга ҳамхона бўлдим.

Қоғоз чидади, лек чидолмай қалам,  
Аламдан ўртаниб ёрилиб кетди.  
Вужудим қаърида тўпланган алам,  
Оқкина қоғозим қоралаб кетди.

У қалам экану, онамга тўзим  
Тилайман, Аллоҳим, шукр ўзингга.  
Шердек юрагим бор, қиличдек сўзим,  
Бош қўйиб декорман пойи изингга.

Онани йиғлатма, кўз ёшин кўрмай,  
Қаламга буюргин, шуни ёзмасин.  
Борлигинг унутиб, изингга юрмай,  
Фарзанд доғи деган суврат чизмасин.

Кўз ёшдан зерикдим, йиғлаб гапирманг...



## ОТА-ОНАМ

Қабристонда сочин юлиб, рўмолини тикон илиб,  
Айрилиқдан бағрин тилиб, паймонаси ғамдан тўлиб,  
Андалибдек ранги сўлиб, минг тирилиб, минг бор ўлиб,  
Бир кам дунёси кам бўлиб, қақшлаб қолган ота-онам.

Бўрон тўккан япроқдан, хувиллаб қолган боғдан,  
Синиб тушган бутоғдан, булбули кетиб шохдан,  
Ўрнида қолган зоғдан, бир умрлик қийноқдан,  
Лабларини алам-оҳдан тишлаб қолган ота-онам.

Йиғлаб ичди ошу-тузин, ўтказдириб ёзу-кишин,  
Кимлигин билмай ўзин, айтолмайин дилда сўзин,  
Ғамга бериб янгроқ созин, мозорларга солди изин,  
Икки қўлда икки кўзин, ишқаб қолган ота-онам.

Қаранг, тақдир эртагини, олса тортиб эрмагини,  
Қалбининг бир бўлагини, армон қилиб тилагини,  
Тикон этиб йўлагини, кийиб мотам кўйлагини,  
Тоғдай билган юрагини, ушлаб қолган ота-онам,

Ўғлин кўрса дўстларини, кимга айтсин бўзларини,  
Эслаб-эслаб сўзларини, кўзга суртиб изларини,  
Йўлга тикиб кўзларини, ўқиб хат-қоғозларини,  
Сувратига кўзларини ташлаб қолган ота-онам.

Боқиб мозорли далага, қалби тошиб нолага,  
Ўхшаб сўнган шуълага, кўкси тўлиб жолага,  
Бахтки, кемтик, чалага, қора хатли номага,  
Дош бермай, ёш болага ўхшаб қолган ота-онам.



## ДАДАМСИЗ

Тортса ҳамки доғу хасрат, дард,  
Ўтмишига юқтирмаган гард,  
Чунки авлод-аждоди ҳам мард,  
Қўрқмас она тукқан дадамсиз.

Забардаст шер қомати билан,  
Ошиғ олчи омади билан,  
Чексиз сабру-тоқати билан,  
Ўз элига ёққан дадамсиз.

Бежо йўлга бошласа ёвуз,  
Бўлмай у-ла ошу нону туз,  
Қабоҳатдан шарт ўтириб юз,  
Ёмонликдан қўрққан дадамсиз.

Рақибига бой бериб қўймас,  
Гирромликни ҳеч қачон суймас,  
Йиқилса ҳам курашга тўймас,  
Авлодидан юққан дадамсиз.

Ҳам ўргатиб одобу ақл,  
Дедингиз: «Тик ҳақ йўлга боққил»,  
Фарзандларни ўстириб оқил,  
Ҳалолу пок боққан дадамсиз.

Афсус, тақдир зарбаси, доғи,  
Сизга тўғри келдией чоғи,  
Хато кетиб суянган тоғи,  
Бир кам дунё чаққан дадамсиз.

Юрагингиз ичра турган ўк,  
Олиб таплаш ҳеч иложи йўқ,  
Жисми бутун, ич-тубида чўғ,  
Кенг жаҳонга сиққан дадамсиз.



## ЭЙ ЎҒИЛИ!

Эй ўғил, отангни бил, қадду-басту бўйини ўп,  
Ҳар дамо бўлгин чучук тил, этган лойини ўп.  
Жоним отам деган ҳар дам, деганлар бўлмаган кам,  
Изига қўйгин қадам, сув кечган сойини ўп.  
Оғринмай бер, канча нон ер, хизматида тўккин тер,  
Фахридан кўксингни кер, пиёласи, чойини ўп.  
Бўлса гар қадди дуто, бўлгин асо, билгай худо,  
Ҳар дамо олгин дуо, ҳам қошу-ёйини ўп.  
Кўркам уйни тўриси, бўлгин отанг чўриси,  
Хувилламай сўриси, ўтирган жойини ўп.

## БОБОМНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Ўтирсанг ўрнингдан туриб бўлмайди,  
Хассага суянмай, юриб бўлмайди,  
Бошингни деворга уриб бўлмайди,  
Қарилик курсина, қарилик курсин.

Нон тўғраб косага ивитиб ейсан,  
Куз кўрмай болангни зўрга танийсан,  
Бу келма навбатдир, нима ҳам дейсан,  
Қарилик курсина, қарилик курсин.

Милк қочиб темир тиш ботади, э воҳ,  
Тун узоқ, тонглар кеч отади, э воҳ,  
Бу ёшлик бунча тез ўтади, э воҳ,  
Қарилик курсина, қарилик курсин.

Сал эстан шабода белингга тегар,  
Чой ичсанг пари ҳам қўлингга тегар,  
Озгина пичинг гап дилингга тегар,  
Қарилик курсина, қарилик курсин.

Томорқа ўт босган, чопгинг келади,  
Келин нон ўхшатмас, ёпгинг келади,  
Қани куч бўлса, тўп тепгинг келади,  
Қарилик курсина, қарилик курсин.

Кампиринг бор бўлса, ҳар қалай далда,  
Нонуштанга қўяр новвотчой малда,  
Тул бўлсанг, ҳар кунинг ўлдаю жўлда,  
Қарилик курсина, қарилик курсин.

Ҳаётдан хўп безор қилмасин эгам,  
Дард бериб тун бедор, қилмасин эгам,  
Юргизмай кўп бемор, қилмасин эгам,  
Қарилик курсина, қарилик курсин.

Гапинг ҳам ҳеч кимга ёқмай қоларкан,  
Сенга келганда кун туғмай қоларкан,  
Кавушинг гоҳ уйга сиғмай қоларкан,  
Қарилик қурсина, қарилик курсин.

Кучи бор, оғзига солиб талқонни,  
Ўтиргай баъзилар ютиб виждонни,  
Ёшларга топширгим келмас замонни,  
Қарилик қурсина, қарилик курсин.

Вафосиз дунёдан анча куйдим-да,  
Дардимни очай деб, сизни суйдим-да,  
Мен эзма алжираб айтдим, куйдим-да,  
Қарилик қурсина, қарилик курсин.



### ЎҒИЛ ҚАЙДАН ТОПИБ БОҚАДИ?

На ўқитиб, уйлаб қўйди у,  
Келажагин ўйлаб қўйди у,  
Ё ҳунарга жойлаб қўйди у,  
Энди эса эшик қоқади –  
Ўғил қайдан топиб боқади?

Ўзи шўрлик мардикор бўлса,  
Усти юпун, оч-афгор бўлса,  
Унга ота ҳўп даркор бўлса,  
Бер деб, йўлин тўсиб чиқади –  
Ўғил қайдан топиб боқади?

Акамизни ҳўр қилдинг дея,  
Ҳўп йиғлатиб кўр қилдинг дея,  
Пешонасин шўр қилдинг дея,  
Аммаси гап билан чақади –  
Ўғил қайдан топиб боқади?

Куни зўрға амаллаб ўтса,  
Эртаю кеч меҳнатга ботса,  
Бировларнинг уйида ётса,  
Оч қоринга не ҳам ёқади –  
Ўғил қайдан топиб боқади?

Рузгорини – горин эплломай,  
Тўрт болаю ёрин эплломай,  
Уят, номус, орин эплломай,  
Кўзларидан ёшлар оқади –  
Ўғил қайдан топиб боқади?

Болам бор деб, ётволиш шартми,  
Ялқовликка ўтволиш шартми,  
Иймонни ҳам ютволиш шартми,  
Яна тавқи лаънат тақади –  
Ўғил қайдан топиб боқади?

Меҳнат қилинг, куч-қувват сўраб,  
Пешонага чит рўмол ўраб,  
Шунда фарзанд турмас-ку қараб,  
Бу дард авлодларга юқади –  
Дангасани ким ҳам боқади?

Жон оталар, илтимос сиздан,  
Ахтармаймиз қору кас сиздан,  
Ўтинчимиз жуда оз сиздан,  
Болалар Оллоҳдан кўрқади –  
Ва боққан бўлсангиз боқади.





## АСКАР ЙИГИТ

Аскар йигит, навкар йигит,  
Ўзлигингни йўқотма.  
Ўзбексан сен собит, яккаш –  
Сўзлигингни йўқотма.

Яша номусли, орли.  
Қатори норғул, норли,  
Олдингда ойдин нурли  
Излигингни йўқотма.

Қайда бўлсанг олдирма, ол,  
Ўзбек деган ном билан қол,  
Меҳнат қилиб еб-ич халол,  
Тузлигингни йўқотма.

Ҳиёнатдан яша йироқ,  
Ҳаётингга туширма доғ,  
Тонг мисоли ойдин, оппоқ  
Юзлигингни йўқотма.

Пойтахт эрур шу кўхна Шош,  
Ўзбекистондек элга бош,  
Йўлбошчимдек қоп-қора қош –  
Кўзлигингни йўқотма.



## ЙИГИТЛАРИМИЗГА

Эр йигитни эй фалак, ғазабга миндирмагин,  
Сўзламоқ-чун бер изн, айтар сўзин синдирмагин,  
Ҳақ турсин ўз шаҳдида, вафо бирлан аҳдида,  
Ҳаёти ҳал вақтида, лафзидан тондирмагин.

Яхшилиқ бўлсин туши, бошга қўнсин бахт қуши,  
Оғла юрсин ҳар иши, олдиру-олдирмагин.  
Собит бўлсин иймони, соғ бўлсин тану жони,  
Белда бўлсин дармони – чарчатиб толдирмагин.

Забт этса у чўққини, биров отса дўппини,  
Токи марднинг ҳаққини, ғанимга ундирмагин.  
Ғаним айласа тухмат, дема «ғирромга раҳмат»,  
Сен топиб қулай фурсат – ниятин қондирмагин.

Ишқда садоқат топсин, ишда даромад топсин,  
Севса омади чопсин – ўт каби ёндирмагин.  
Не иш бўлса бошида, ўлча тароз-тошида,  
Аммо, номард қошида, кўзга ёш олдирмагин.

Ўргатгин билмаса ҳам, берганинг олмаса ҳам,  
Омади келмаса ҳам, ағёрга билдирмагин.  
Чопиб юрсин шер бўлиб, йигит бўлиб, эр бўлиб,  
Лек охирда ер бўлиб, ранг-рўйин сўндирмагин.

Қўшиқ қилсин борини, мадҳ этиб дилдорини,  
Қўлидаги торини ғанимга чалдирмагин.  
Тингла оҳу-зорини, алёру-ашъорини,  
Токи суйган ёрини, ўзгага қолдирмагин.



## ТЕБРАТМАГИН

Тақдир, ўз қилмишим-чун, лойиқ жавоб берганим кун,  
Яхши инсонларга оҳ-ун, гоҳи азоб берганим кун,  
Ювиб гуноҳимни мамнун, сўнг савоб берганим кун,  
Тепага шайтон тарозу тошини тебратмагин.

Борса ногоҳ туз ахтариб, бечораи кимса ғариб,  
Кўзда ёши ёлбориб, бир сопол коса кўтариб,  
Қўйма оёғини чалиб, ёки юборма ағдариб,  
Қўлига етай деганда ошини тебратмагин.

Сув керак бўлса сойлаб, оби дарё зам-замдан ол,  
Сел керак бўлса ойлаб, ёмғирли кўкламдан ол,  
Томчи керак бўлса пойлаб эрта тонг шабнамдан ол,  
Етим манглайига оққан ёшини тебратмагин.

Ғам кетидан этмасин дод, сўзининг орқасидан,  
Гуноҳ эттан пушти авлод, изининг орқасидан  
Аҳли-аёлу, зурриёд, пок қизининг орқасидан,  
Забардаст қоматли шернинг бошини тебратмагин.



## ШЕЪРИМ, КУЙЛА!

Шеърим, куйла, ёзилай бир оз,  
Кўшиқ айтиб толмагин сира.  
Тўлиб йиғлай чиқариб овоз,  
Майли бўлсин кўзларим хира.

Қулоғимга чалинган замон,  
Мағрур юрак тўлиб ўйноқлар.  
Гўзал бўлиб бу ёруғ жаҳон,  
Унутилар ўтмиш қийноқлар.

Кимларгадир керагим бордай,  
Тоғ бўлади ўксиган юрак.  
Чертиламан мисоли тордай,  
Бор эканман дунёда демак.

Ким душман, дуст энди барибир,  
Барчасига сокин, лоқайдман.  
Қалбим тўла ҳеч ким билмас сир,  
Кўшиқларинг ичида байтман.

Савол берма, ўзи тўлганман,  
Алдаганми ошиқларинг деб.  
Бу дунёдан тўйиб бўлганман,  
Яшаяпман кўшиқларинг деб.



## БОЗОРЧИ ҚИЗ

(Ахрор Усмон қўшиғига ўхшашма)

Учирай деб ҳаёлингни,  
Тишлаб ўтдим ғайнолингни,  
Ким бу, дедим рўмолингни  
Лакча қилиб ўрашингдан.

Камзулчангнинг олдин ечиб,  
Соч фарқингни туғри очиб,  
«Тоғлик», - дедим чўчиб-чўчиб,  
Сочинг суйри тарашингдан.

Кутган эдим нозларингни,  
Буришгирдинг юзларингни,  
Оҳ, чиройли кўзларингни,  
Олайтириб қарашингдан.

Тоғоранг ҳам бўшайдиёв,  
Кўнглинг мента юмшайдиёв,  
Жаҳлинг тезга ўхшайдиёв,  
Рўмолчангни бурашингдан.

Кетворган заб экансан-а,  
Анча камгап экансан-а,  
Роса менбоп экансан-а,  
Шу совуққа ярашингдан.



## ЯНА БОЗОРЧИ ҚИЗГА

Йул буйида ўтирасан қошинг кериб,  
Растанг узра турли-туман қолун териб,  
Шамчироғим ёқволардим кетсанг бериб,  
Икки дона сочингдаги пилигингдан.

Бармоқларинг ушлай десам, бунча нозик,  
Лойиқмикан сенга атаб олган узук,  
Қоматингга разм солсам, руй-рост тузик,  
Кўриб қолдим у ингичка илигингдан.

Олдингизга ўзим олиб берай дединг,  
Хоҳласангиз бир қовунни ёрай дединг,  
Келингиз-ей, сизга арзон берай дединг,  
Кундинг чоғи ноз-карашма қилигингдан.

Билмадиму, қай полизда экканлигинг,  
Меҳнат қилиб қай йўсин тер тукканлигинг,  
Англаб олдим мазанг нечун эканлигинг,  
Татиб кўргач ўша қовун тилигингдан.



## ОЛИБ КЕТДИ

Эрта тонг саҳарда бир асалари,  
Ўргимчакка айланишди сар-сари,  
Аммо тез чигиртка ундан илгари,  
Атиргул лабидан тот олиб кетди.

Бу менинг емишим, албатта, бешақ,  
Деб қолди ғафлатда ландовур эшақ,  
Бир гугурт донага сотилиб хашақ,  
Бир зумда бағрини ўт олиб кетди.

Жонимга тегди-ку, ердаги чўп, хас,  
Пиёда юрмоқни энди этай бас.  
Дея у бургутта айлабон ҳавас,  
Тошбақа учай деб пат олиб кетди.

Пайкал орасида хамак деди «ҳой»,  
Пишган бўлсанг жим тур, мақтанишни қўй,  
Лек у турс ёрилиб, таратгани бўй,  
Қовуннинг зўрини ит олиб кетди.

Тоқ туёқ аталур икковин насли,  
Лек бирин овози биридан сасли,  
Эшақ қилган эди меҳнатни асли,  
Кимҳоб ёпинчиқни от олиб кетди.



## МУҲАББАТГА

Қудратингни зўр қил, муҳаббат,  
Ёмонликдан ор қил, муҳаббат,  
Қудогингни кар қил, муҳаббат,  
Ёлгонларнинг кучи етмасин.

Бўлар-бўлмас сўзга чалғима,  
Ҳар йўлак-йўл изга чалғима,  
Гўзал деб, ҳар юзга чалғима,  
Нодонларнинг кучи етмасин.

Ногоҳ ганим олса нишонга,  
Қўз тикиб сен турган маконга,  
Ёйи айласинлар сомонга,  
Камонларнинг кучи етмасин.

Ёмгир юзинг ювиб кетса ҳам,  
Тананг сувдан ивиб кетса ҳам,  
Япроғингни қувиб кетса ҳам,  
Бўронларнинг кучи етмасин.

Ер юзидан безмоқчи бўлсанг,  
Дунёларда кезмоқчи бўлсанг,  
Дарёларда сузмоқчи бўлсанг,  
Уммонларнинг кучи етмасин.

Тиконли гул билан сийлаган,  
Алдамоқни зимдан ўйлаган,  
Ниш урай деб, четда пойлаган,  
Чаёнларнинг кучи етмасин.

Орли бўлса нақдингни бергин,  
Тўла-тўкис бахтингни бергин,  
Мардга тожу-тахтингни бергин,  
Армонларнинг кучи етмасин.



Чақмоқ тушиб ёндира олмай,  
Шох-бутоғинг синдира олмай,  
Ёмонликни дўндира олмай,  
Осмонларнинг кучи етмасин.

Ерга отса юзларинг таранг,  
Товланиб тур, минг турфа хил ранг,  
Ўз тупига қўшилмай гаранг,  
Хазонларнинг кучи етмасин.

Туйнугингдан қаролмасинлар,  
Чиммат ичра ўролмасинлар,  
Ниш-тиғини уролмасинлар,  
Тиконларнинг кучи етмасин.

Сиртмоқларга тушма, муҳаббат,  
Қармоқларга тушма, муҳаббат,  
Тортмоқларга тушма, муҳаббат,  
Шайтонларнинг кучи етмасин,  
Замонларнинг кучи етмасин!



## БИР КАМ ДУНЁ

Бир кам дунё, камлигинга тан бердим,  
Ошиқ юзи намлигига тан бердим,  
Қаён боқмай, ағёр сўзи маъкулдир,  
Бу туданинг жамлигига тан бердим.

Ҳақиқатни жисмимга банд айладим,  
Нодон кўриб, ўзимга панд айладим,  
Доно сўзин мисоли қанд айладим.  
Ҳақ бошининг ҳамлигига тан бердим.

Ўзим ёниб, ўзим ўчдим, қалов йўқ,  
Айрилиқда на тутун, на олов йўқ,  
Суйганимга етказувчи биров йўқ,  
Севги сўзи ғамлигига тан бердим.

Оҳ дегунча, умрим ярми ўтибди,  
Пешонамга тақдир шуни битибди,  
Қарилликка ким етмади етибди,  
Бу умрнинг шамлигига тан бердим,  
Бир кам дунё, камлигинга тан бердим.



## СҮРОҚДАМАН

Сендан айрилган кундан эл аро сўроқдаман,  
Исми-жонинг кўксимда, лек жуда йироқдаман,  
Қуёш сенсиз ботган-чун, қайтар деб қалб кутган-чун,  
Бир сўз хато кетган-чун, бир умр қийноқдаман.

Парчаланган дилимни, қуруқ қолган қўлимни,  
Сени кўрсам йўлимни, терс ўтириб бурмоқдаман.  
Орзуларсиз тилакни, сен илк тутган билакни,  
Севгиси йўқ юракни ўзгага бермоқдаман.

Қанот йўқ, ўтсам учиб ва ё дарёни кечиб,  
Қолавердим қўл очиб, бегона қирғоқдаман.  
Билолмай қора они, нега деган сўроқни,  
Сенга берган қийноқни ўзгадан кўрмоқдаман.

Кўз ёшим ичга ютиб, ҳижронни ошно этиб,  
Илк севгимни йўқотиб, бир умр жумбоқдаман.  
Тан олдим ғафлатимни, бузолмадим онгимни,  
Ўчган муҳаббатимни, жисмим аро куммоқдаман.

Сендан айрилган кундан эл аро сўроқдаман...



## СИҒМАДИМ

Нетай бу кент жаҳон ичра, юрагингга сиғмадим,  
Мўъжаз ҳовли, маҳалла, тор йўлагингга сиғмадим,  
Дединг эй қўл очиб, «ё Раб» чексиз самога қараб,  
Дуолар қилганинг бирлан, тилагингга сиғмадим.

Жисмим аро жоним дединг, томиримда қоним дединг,  
Танам ярми дединг, ярим бўлагингга сиғмадим.  
Чупчак айтдинг Ойгулимсан, паризодим, маликам,  
Сен орзу қилган ўшал, эртагингга сиғмадим.

Кент ҳовлилар тор бўлди, беланчаклар дор бўлди,  
Ўзга санам ёр бўлди, билагингга сиғмадим.  
Бир қўлимда болам қолди, чинқириғу нолам қолди,  
Қизинг йиғлар: «дада, оппоқ йўрғагингга сиғмадим».



## СЕВГАНИМГА ЭГА БЎЛГАН ҚИЗ

Бегонани ёрин суйдингиз,  
Омонат деб яна куйдингиз,  
Бермас эдим олиб кўйдингиз,  
Севганимга эга бўлган қиз.

Севдимикан у мендан кечиб,  
Балки йиғлар ёстиғим қучиб,  
Тегволдингиз ҳуснига учиб,  
Севганимга эга бўлган қиз.

Сохта ишқин эплондингизми,  
Бўсам ўрнин ўполдингизми,  
Қалбига йўл тополдингизми,  
Севганимга эга бўлган қиз.

Ўтмишимдан чиқади жаҳлим,  
Лек кирмоқда йил сайин ақлим,  
Бироқ сизга келади раҳмим,  
Севганимга эга бўлган қиз.



## КЕЧИР СЕВГИ

Кечир севги, сени туш экан дея,  
Келди-ю, бир умр эш экан дея,  
Кўнсанг оддийгина қуш экан дея,  
Бой бериб қўлимдан, эплай олмадим.

Ҳали сен келмасдан бетоқат ёйиб,  
Нелигинг билмасдан туютиб – куйиб,  
Маъшуқанг бўлмасдан йўқотиб куйиб,  
Жим юриб сирингни ёпа олмадим.

Ёмғир, бўронли кун, ҳўлда қолдириб,  
Қадринг билолмаган қўлда қолдириб,  
Ногаҳон биёбон, чўлда қолдириб,  
Йўлинпта гул, райҳон сепа олмадим.

Юракда қолган ўқ, пайкон қийнагай,  
Йиллар ўтяпди-ю, ҳамон қийнагай,  
То тирик эканман армон қийнагай,  
Бутун бўй-бастингдан ўпа олмадим.

Гул деб ушлаганим тикон, чўп экан,  
Олиб кўювчилар тўда, тўп экан,  
Сени йўқотганлар жуда кўп экан,  
Улар қалбига йўл топа олмадим,  
Кечир севги, сени эплай олмадим.



### СЕВОЛМАГАНЛАРГА

Ёмон дея, ташлаб кетгани билан,  
Қалбимизни гашлаб, кетгани билан,  
Ўзга ёрни ушлаб, кетгани билан,  
Суйгани биздайин бўлолмасинлар.

Бир-бирига боқиб, термулсин майли,  
Куйсин деб, айланиб, ўргулсин майли,  
Қадини тик тутиб, керилсин майли,  
Топганидан меҳр ололмасинлар.

Шунча севиб-севиб, ёмон бўлдик биз,  
Мисоли четларда маъюс қолдик биз,  
Ундан-да ортигин топиб олдик биз,  
Энди устимиздан кулолмасинлар.

Ваъдаю сўзидан қайтгани учун,  
Во ажаб, виждонин кутгани учун,  
Севмайман сизни деб айтгани учун,  
Муҳаббат куйини чалолмасинлар.

Гулгун бу яшнаган ҳуснимиз кўриб,  
Афсус надомат-ла, кўксига уриб,  
Келолмай биз томон айланиб, юриб,  
Асло олдимиздан жилолмасинлар.

Ич-бағрини тилка айласин армон,  
Уни ҳам алдасин қайсидир ёмон,  
Ташлаб кетганига бўлиб пушаймон,  
Ўзига анчайин келолмасинлар.

Тузоғига энди илинтиролмай,  
Содда деб, кетидан ялинтиролмай,  
Сохта ваъдаларга овунтиролмай,  
Ўйлаб кимлигимиз билолмасинлар.

Севгида жазолар бергани учун,  
Айрилиқ, жафолар бергани учун,  
Бизга паст баҳолар бергани учун,  
Афсусдан тик боқиб қаролмасинлар,  
Узган ипин тортиб улолмасинлар.



## БЕРИБ ҚҶЙМАСМАН

Жон ўзбегим, ўзига бегим,  
Дўппи кийиб юродурсан жим,  
Ининга чўп тикмоқ бўлса ким,  
Этовларга бериб қўймасман.

Бу шаънингга ёлгонлар битса,  
Тухмат этиб ёқангни тутса,  
Изинг пойлаб, сўнг таъқиб этса,  
Сўровларга бериб қўймасман.

Ширин сўзлаб қўйсалар тузоқ,  
«Сиринг сот», - деб қилсалар сўроқ,  
Лоқайд эмас, бўлиб хушёрроқ,  
Алдовларга бериб қўймасман.

Найрангини этиб яширин,  
Солмоқ бўлса гулу-занжирин,  
Ўч олибон биринма-бирин,  
Жиловларга бериб қўймасман.

Бугдой унли тандирда нонинг,  
Дехқон тутган ўткир кетмонинг,  
Аскар отлиғ ўзбек ўғлонинг,  
Қировларга бериб қўймасман.

Ҳаётимиз нақадар тотлиғ,  
Лек ғанимнинг юраги ўтлиғ,  
Номинг ўчгур шум уруш отлиғ  
Оловларга бериб қўймасман.

Еру осмон, тупроқ сеники,  
Боғу, булбул, ҳар зоғ сеники.  
Хилпираган байроқ сеники,  
Бировларга бериб қўймасман.

Ширин уйқу, тинч оромингни,  
Тоза виждон, бут иймонингни,  
Оллоҳ берган минг бир жонингни,  
Таловларга бериб қўймасман.

## СЕВГИ

Ҳар бир қалбга янги бўлиб кирасан,  
Ўтмиш, бутун, келажакни кўрасан,  
Не замонлар давру-даврон сурасан,  
Одам Ато, Момо Ҳавосан, севги.

Шубҳа-гумоним йўқ, борлигингдир чин,  
Лек сендан олмоқчи бўларлар ўчин,  
Билмасдурсан ҳар бир қалб учун,  
Бир марта берилган танҳосан, севги.

Сени деб, туну-кун бўлса беморлар,  
Кўксин қалқон айлаб, талашса орлар,  
Узилиб кетади сиртмоғу, дорлар,  
Ўксик юракларга давосан, севги.

Қаро қилса оқлигинга тан бериб,  
Сутдек тоза поклигинга тан бериб,  
Гоҳ олов, гоҳ чўғлигинга тан бериб,  
Сени асраганга вафосан, севги.

Сохта тилак билан кўзи сузилган,  
Не-не гузал учун минг гул узилган,  
Ким ёқса ўшанга қўли чўзилган,  
Гўёки ҳаммага шайдосан, севги.

Сўрмай кириб қолсанг хушлаб-хушламай,  
Ишониб, ишонмай қўлинг ушламай,  
Мўлтираб турсангда назар ташламай,  
Кўчага оттанга гадосан, севги.

Шубҳаю гумонда мудом қақшатиб,  
Қайси бир нокаста хуснинг ўхшатиб,  
Ёлгонларга ўраб, кетса қақшатиб,  
Қалби кирга юзи қаросан, севги.



Алдаб оқ юзингдан бир ўпиб кетса,  
Тошга қоқинтириб, сўнг тепиб кетса,  
Кур дея, кўзинга кум сепиб кетса,  
Хийла ишлатганга риёсан, севги.

Тип-гиниқ оқасан, тўлиб-тошмайсан  
Бир меъёр боқасан, ҳеч ён шошмайсан,  
Недаңдир кўрқасан, ҳаддан ошмайсан,  
Босиқ, беғамга бепарвосан, севги.

Борлигинг ҳақ билиб, назар илганга,  
Обрўйинг, ҳурматинг, қадринг билганга,  
Танловда баҳойинг қиммат қилганга,  
Ҳатто бойлиқдан ҳам аълосан, севги.

Ҳаёт ёлғончидек кўринса кўзга,  
Ногоҳ ким экани билинса ўзга,  
Жондан туяр бўлса наптари сўзга,  
Қаро кунларида зиёсан севги.

Талашди – тортишди, ўлиб-тирилди,  
Пешоналар бориб қайта урилди,  
Не-не қаср уйлар бузиб қурилди,  
Бу турган битганинг ғавғосан, севги.

Ҳар битга ошиқнинг бағрин ўясан,  
Сирли бу ишқини элга ёясан.  
Индамай кўзини очиб қўясан,  
Ҳаммадан ақлли, доносан, севги.

Топдим юрагимни кемтик қилолган,  
Тақдири азални битик қилолган,  
Лек ўзни мағрур, ҳам тетик қилолган,  
Сен ўша бир ками дунёсан, севги.

## АЁЛЛАРГА ЖАВОБИМ

Ёрингизни асло ёмон айламанг,  
Ясанганда шубҳа, гумон айламанг,  
Нолиб-нолиб ундан пинҳон сўйламанг,  
Яхши эрни яратасиз ўзингиз.

Меҳнат қилса доим ҳорманг, деб туринг,  
Яхши-ёмон жойга борманг, деб туринг,  
Ширин сузлаб, мени урманг, деб туринг,  
Яхши эрни яратасиз ўзингиз.

Ёмонлигу, ғийбат гапни қўясиз,  
Ҳаёт аччиқ, ёнингизни ўясиз,  
Кимдир олиб қўярми деб, қуясиз,  
Яхши эрни яратасиз ўзингиз.

Отда бўлса, сиз мингашиб юрасиз,  
Уста бўлса, бирга уйлар қурасиз,  
Нима кўрса сиз ҳам шуни кўрасиз,  
Яхши эрни яратасиз ўзингиз.



## НОИЛА ОПАМГА

Шунча савдо растаси туриб,  
Йўқ бўлсангиз гирён ахтариб,  
Охир излаб топамиз бориб,  
Чунки сўзи юмшоқ аёлсиз.

Ҳаётингиз бўлса қайғуда,  
Сиқилмайин ҳуда-беҳуда,  
Ёноғингиз ҳамон кулғуда,  
Кўнгли очиқ, қувноқ аёлсиз.

Меҳр билан фироқни тўсган,  
Ёмонликни йўлидан безган,  
Дунё ғамни индамай босган,  
Метин каби бир тоғ аёлсиз.

Етти қизни етти ён бериб,  
Ор-номуси учун жон бериб,  
Барига покиза ном бериб,  
Лоқайд эмас, уйғоқ аёлсиз.

Ҳақингизни бермайсиз қўйиб,  
Ё бировдан олмайсиз ўйиб,  
Сир сақлайсиз ташламай ёйиб,  
Адолатли, ҳам ҳақ аёлсиз.

Йиллар ўтса ҳамки арода,  
Киприги ўқ, қоши қарода,  
Қурти каби қаттиқ ирода,  
Ва рангидек оппоқ аёлсиз.



### ЙЎЛДАМАН

*(Устозим Хурсаной Эҳсоновага бағишлайман)*

Муаллим боқмай сизга,  
Кулоқ тутмай панд-сузга,  
Ҳаётим тушмай изга,  
Қаддим камон йўлдаман.

Нажот сўрсам ғанимдан,  
Чоҳга итарди зимдан,  
Тузоқ қўйди изимдан,  
Рангим сомон йўлдаман.

Тик қаддимни синдириб,  
Юзимга гард қўндириб,  
Ўз-ўзимни қўндириб,  
Зори армон йўлдаман.

Тақдир, алам оҳида,  
Дуонгиз паноҳида,  
Чўл, биёбон гоҳида,  
Тоғли довон йўлдаман.

Ёмон келса юз буриб,  
Ҳақ сўзда одил туриб,  
Ғирромни ҳар ён суриб,  
Қўлда пайкон йўлдаман.

Ўзни поклаб ҳар дами,  
Оқил бўлиб қадами,  
Ҳаё деган пардани,  
Этиб қалқон йўлдаман.

Ҳаётим тушди изга,  
Бахт борми бундан ўзга,  
Чунки эргашдим сизга,  
Менки, осон йўлдаман.

Бари пандингиз ҳақдир,  
Сабрлига бахт нақддир,  
Адаштирмасин тақдир,  
Ишонарли қўлдаман,  
Энди равон йўлдаман.



## ШИФО СҮРАЙМАН

(Биринчи муаллимим Санобархон Маматқуловага  
бағишлайман)

Тан бергимдур сабру-тоқат,  
Меҳр булоғингизга.  
Ёғду бергум токи абад,  
Умр чироғингизга.

Дилингизга ғам инмасин,  
Изингиздан топш унмасин,  
Пайконлардан ёш қўнмасин,  
Гулгун ёноғингизга.

Кўрсам қаддим дуто айлай,  
Ҳақларига дуо айлай,  
Тўрт ўғлингиз оғо айлай,  
Суянган тоғингизга.

Ширин ҳаёл суриб келдим,  
Сиз томонга юриб келдим,  
Соғинч тўла кириб келдим,  
Қўмсаб қишлоғингизга.

Йиғлаб, Аллоҳ, сўрайман,  
Ҳаққи Бисмиллоҳ сўрайман,  
Бир деб, шифо сўрайман,  
Икки оёғингизга.



*Ўғлим Достонбекнинг туғилган кунига бағишлайман*

Достоним осмонимсан, дилдаги достонимсан,  
 Битилмаган шеъриму, ғазалу, романимсан,  
 Қалам олишга ундаб, чорлаган илҳомимсан,  
 Юрагимда барқ урган, томирдаги қонимсан.

Шеър ёзмадим, лек сени яратишга жазм этдим,  
 Юзга шов-шув, миш-мишни ичга ютиб ҳазм этдим,  
 Шоирликни эплломай, Навоийга таъзим этдим,  
 Оққина йуртагингда, қадрим асрагонимсан.

Тақир-туқур бешикка шеър ўқидим тунлари,  
 Ёзилмай қолиб кетди, қаламимнинг унлари,  
 Тақдиримга битилса, фалакнинг шум кунлари,  
 Мисраларим аллага айланган оқшомимсан.

Тебранади беланчак, сен уйқуда келажак,  
 Эртага тонг бўлажак, омад менга кулажак,  
 Халқим бир кун сўражак, шеърларимни кўражак,  
 Овуниб овуtgаним, умидим, қалқонимсан.

Умрим давомчиси сен, шеърим давомчиси сен,  
 Давраларда утирган тўрим давомчиси сен,  
 Хазон сўраб келса куз, баҳорим давомчиси сен,  
 Ўзбек юзим оқлаган мангу Ўзбекистонимсан.



## ТЕГАР ЭКАН

Сўзи олтин, ойдин эмас тилаги,  
Не гўзални кучгандир бу билаги,  
Деманг юзи эмас, балки юраги,  
Чўтирга бир қаламқош тегар экан.

Муҳаббат шошади олиб аксига,  
Сўнг тулиб-тошади нола, ўксиги,  
Ўзи яратган-чун, бир кун кўксига  
Кўзлардан дув оққан ёш тегар экан.

Ошиқлик ўтида пинҳон кезгунча,  
Бир гўзал сувратин токи чизгунча,  
Мард уялиб юрагини ёзгунча,  
Охирда совутан ош тегар экан.

Қорилса ҳам маломатнинг лойига,  
Учраса ҳамки номарднинг ёйига,  
Ҳақ бўлиб чиққач сўнг ҳоки-пойига,  
Бир куни эгилган бош тегар экан.

Салқинига ўтир, поёндоз тўша,  
Парвариш айлагин ҳар дам, ҳамиша,  
Қуриган шохларга болта ё теша,  
Мевали дарахтга тош тегар экан.



**ҚАЙТМАДИМ**

(Марҳум акам Саиджон Ҳалиқов  
хотирасига бағишлайман)

Ой бордиму, афсус омон қайтмадим,  
Сиримни ҳеч кимга баён этмадим,  
Армоним, қўлингиз сўнг бор тутмадим,  
Қисматим аёндир ёлғиз Худога,  
Онажон, қўл очинг энди дуога.

Сўнги айтар сўзим оғзимда қолди,  
Овозим етмади, бўғзимда қолди,  
Суратингиз очиқ кўзимда қолди,  
Тўймадим, тўймадим гузал дунёга,  
Онажон, қўл очинг энди дуога.

Ирим деб бир бутун нон тишлатдингиз,  
Ризқ билан қайтсин деб, ун ушлатдингиз,  
Кетарда йиғлаб хун кўз ёшлатдингиз,  
Қор қилмай иримлар учди ҳавога,  
Онажон, қўл очинг энди дуога.

Қора хат, яра хат, бағри пора хат,  
Уни оқ қилишга йўқдир чора хат,  
Нечук яралдинг-а, сен маккора хат,  
Ҳеч ким учрамасин сеңдек балога,  
Онамни бир умр солдинг дуога.

Куёв тўн менгами, кимга аталди,  
Тобутим устига ёпиб қадалди,  
Уни киёлмаган жоним қийналди,  
Чора йўқ, чора йўқ ажал балога,  
Она, йиғламай қўл очинг дуога.



Жаннат боғи ичра куёв бўлсин денг,  
Энди у дунёда бахти кулсин денг,  
Бир этак болага бағри тўлсин денг,  
Ишонтириб яшанг, ўзни рўёга,  
Фақат машғул бўлинг она, дуога.

Онажон, дуонгиз тошларни ёрар,  
Сизни қақшатган ул бошларни ёрар,  
Лиммо-лим тўлган бардошларни ёрар,  
Нолаю зорингиз етар Худога,  
Сиз қўл очаверинг ҳаргиз дуога.

Сўранг, қўпаймасин ғариб оналар,  
Фарзанд доғида мустариб оналар,  
Сочи оқ, эгилган, қариб оналар,  
Ишонинг, ишонинг фақат Оллога,  
Бир умр қўл очинг она, дуога.



## ИЛТИЖО

(Маъмуржоннинг порлоқ хотирасида)

Тилингизда ному исмим, кўзга ёш илдирманг она,  
Дилингизда тирик жисмим, аслоки ўлдирманг она.  
Панд эшитиб дўстингиздан, айрилиб буй-бастингиздан,  
Ғанимларни устингиздан ҳеч қачон кулдирманг она.

Турибди ҳўп кўнглим сезиб, йиғлаяпсиз боғлар кезиб,  
Опам, укам бағрин эзиб, қовоғин солдирманг она.  
Бошни уриб тоғ-тошларга, ҳўп чидамай бардошларга,  
Дув-дув оққан кўз ёшларга, қабримни тўлдирманг она.

Қуроқларим чиққан ўсиб, бағрингизга олинг босиб,  
Қабристонга излар босиб, ўзингиз толдирманг она.  
Ҳовлида из, пойим турсин, ёнингизда жойим турсин,  
Хонтахтада чойим турсин, йўқлигим билдирманг она.

Бас қилинг арз-нидонгизни, ҳаққа айтинг санонгизни,  
Менга ўқиб дуонгизни, бир кун ҳам қолдирманг она.  
Гуллаган шохларим сиңди, жаннатига Оллоҳ кўнди,  
Мени-ки бердингиз энди, ҳеч кимни олдирманг она.



## ЯШАДИНГИЗ

(Домла Фуломжон Назировнинг  
порлоқ хотирасига)

Боларига бол бериб, бир гул бўлиб яшадингиз,  
Зоғ умридан қисқа, лек булбул бўлиб яшадингиз,  
Олдга одим ташлаган, дардни тишда тишлаган,  
Ўз овозда кишнаган, дулдул бўлиб яшадингиз.

Кўргуликлар келди жим, туриб этдингиз ҳазм,  
Ҳақ изни ахтарса ким, йўл бўлиб яшадингиз.  
Ҳаёт синови аччиқ, берса ҳам дилга санчиқ,  
Саҳоватпеша, очиққўл бўлиб яшадингиз.

Кучди тенгию тенгсиз, барибир кўнгли кенгсиз,  
Баъзан дарё, баъзида кўл бўлиб яшадингиз.  
Ниш урмасин танимга, дея ярар кунимга,  
Гоҳ сув бериб ғанимга, чўл бўлиб яшадингиз.

Бутун умрин нақд бериб, отасидек бахт бериб,  
Онасига тахт бериб, қул бўлиб яшадингиз.  
Номини халқи билган, бу дунёга бир келган,  
Онаси орзу қилган ўғил бўлиб яшадингиз.



*Абадий-бадий нашр*

**Муқаддас НУР**

**ШЕЪРИМ,**

**КУЙЛА!**

*Шеърлар*

Муҳаррир: С. Ҳасанов  
Тех. муҳаррир: С. Жўраев  
Дизайнер: У. Жабборов  
Мусахҳих: Т. Акбарова

Босишга рухсат этилди: 2007 й.19.04. Нашриёт босма  
табоғи 2,75. Шартли босма табоғи 3,0.  
Бичими 84x108 <sup>1/16</sup> Адади 1000 дона.  
Буюртма № 31. Баҳоси келишилган нарҳда.

«ФАРФОНА» нашриёти.

150104, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28.

«ФАРФОНА» нашриётининг ижарадаги  
«Қиргули-Полиграфчи» УК босмахонасида чоп этилди.  
Фарғона шаҳри, Қиргули даҳаси, Фарғона кўчаси, 6.